



бир инсондан ихлос, чин эътикод, аҳдга садоқат, имонда барқарорлик, ёвузлик, разолат, қабоҳатга қарши жанговарлик каби хислатларни талаб этган.

2. Зардуштийликнинг илоҳиёт тизимида икки муҳим ва ҳал қилувчи қатламни фарқлаш лозим. Биринчи қатлам Аҳура Мазданинг якка-ёлғизлиги ва вазифадор сифатлари, намоён бўлиш шакллари ва ягона бирлик эканини тан олиш орқалигина тушунилиши мумкин. Яъни Аҳура Мазда мантиқан “Олам Шаҳриёри”, “Ҳақиқат”, “Комил ақл”, “Эзгу ният”, “Абадият”, “Олам парвардигори”, “Олам руҳи” ва бошқа номлар остида ягона моҳиятидан ажралмаган ҳолда амал қилади.

3. “Кенжа Авеста” маъбудлар тизими зардуштийликнинг амалиёти доирасини пайғамбарликдан аввалги ибтидоий культлар ҳисоби-га бойитиш, артабонларнинг диний амалиётлари доирасини кенгайтириш, кундалик эҳтиёжлари ва армонларини рўёбга чиқариш

воситаси даражасига туширишга олиб келди.

4. Авестада малоикалар, маъбуд ва маъбудалар, фравашийлар мураккаб тизимни ташкил этади. Бирок, ибтидоий тафаккур босқичларида уларга турли сифатлар, вазифалар тақсимланган. Бу эса, илоҳиёт тизими одамларнинг реал дунёда кўриб турган ижтимоий муносабатларини мавҳум осмоний тизимга айлантиришлари орқали асотирдан дин томон силжиш даврларига тўғри келади. Мураккаб мифологик қатлам бу китоб ҳали оғзаки анъана асосида авлоддан-авлодга ўтиб келган даврлардан Авестага етиб келган. Бу қатлам тарихий воқеликлар ёки ривоятларнинг, ҳикоя ва дostonларнинг қолдиқларидан иборат. Улар орасида халқ оғзаки ижодиётининг турли таракқиёт босқичларига хос қизиқарли лавҳалар, баъзан катта-катта қадимий дostonларнинг парчалари ҳам учрайди.



ҲИНДИСТОНДА ДАЛИТЛАР МАСАЛАСИ ВА УНИНГ АДАБИЙ ЖАРАЁНГА КИРИБ КЕЛИШИ

СОЛИҲОВА ДИЛРАБО

Ўқитувчи, ТошДШИ

Аннотация. Мақолада ҳинд халқининг турли табақаларга бўлиниши улар орасида иқтисодий ва ижтимоий тенгсизликнинг кучайишига сабаб бўлганлиги таъкидланади. Инсон қадрияти ҳудуд, мамлакат ёки жамият танламаслиги, бу муаммо бутун умуминсоният муаммоси эканлиги ёзилади. Бу муаммонинг келиб чиқиш тарихи, сабаблари, оқибатлари ва уни бартараф қилиш йўллари ҳақида фикр юритилади.

Таянч сўз ва иборалар: каста, жамият, варна, чандаллар, табақа, ижтимоий, брахманлар, кшатрийлар, вайшьялар, шудралар.

Аннотация. В статье отражено, что деление на разные касты приводит к усилению экономического и социального неравенства между людьми. Человеческая гордость не выбирает место, страну или общество, это проблема общечеловеческая. В статье рассмотрена история возникновения проблемы, ее причины, последствия и пути его решения.

Опорные слова и выражения: каста, общество, варна, вандалы, каста, социальный, брахманы, кшатрии, вайши, шудры.

Abstract. The division into different castes leads to the strengthening of economic and social inequality between people is reflected in the article. Human pride does not choose a place, a country or a society, this is a universal problem. The given article considers the history of the problem, its causes, consequences and ways of its solution.

Keywords and expressions: caste, society, Varna's, vandal's, social, Brahmins, Kshatriyas, Vayshi, Shudras.



чилар, ижодкорлар, журналистлар бош котирадилар. Бирок, кўпчиликнинг муаммосини озчилик ҳал этиши ўта мушкул иш. Ҳиндистондаги далитлар аҳоли эса ҳақиқатда ўта оғир, таҳқирли. Уларнинг оғирини енгиллатишга кўплаб илғор кишилар қўл урганлар. Маҳатма Гандидан бошлаб, то Бхимрао Рамджи Амбеткаргача далитлар ҳақ-ҳуқуқлари учун курашганлар. Оғир қисматни кўтариб ўтиш гарданига юклатилган ҳинд халқи далитларининг оғир кечмиши ҳар доим ечим ахтарган.

XX асрга келиб тегилмайдиганларнинг ҳақ-ҳуқуқлари учун кураш бошланди. Бу курашнинг йўлбошчиларидан бири Ганди эди. Ганди тегилмайдиганларни харижанлар (худонинг одамлари) деб атади. (Улар Ҳиндистон халқининг 16–17% ташкил қиладилар). Тегилмайдиганлар ҳақ-ҳуқуқлари учун олиб борилган курашлар учун жон куйдирган инсонлардан яна бири Бхимрао Рамджи Амбедкар эди. Амбедкарнинг ўзи далитлар табақасидан эди. XX асрга келиб у инглизлар қистови билан мактабда ўқиш ҳуқуқига эга бўлган биринчи далит боласи бўлди. Тўғри, мактабда у алоҳида ажратилган жойда ўтирар, ичимлик сувини эса ўзи билан олиб келишга мажбур эди. Чунки мактаб водопроводи жўмрагига оғзини кўйиб, сувни ифлос қилишга унинг ҳаққи йўқ эди. Мактаб ҳожатхонаси эшиги ҳам унинг учун ёпиқ эди. Кейинроқ Амбедкар Америкага кетиб ўша ерда олий маълумотга эга бўлди. Ва ўз халқини озод этиш учун қайтиб келди. У 1930–1940 йилларда олиб борилган курашларга бошчилик қилди. Амбедкар тегилмайдиганларни далитлар (хўрланганлар) деб атади. У ўз сай-ҳаракатлари билан Ҳиндистон қонунлар мажмуасига, мустақил Ҳиндистон конституциясига далитлар ҳақ-ҳуқуқи борасидаги қатор бўлимларни киритишга муваффақ бўлди. Ҳозирги кунда далитлар ҳаётида қатор енгилликлар мавжуд, улар учун квоталар ажратилган. Далитлар ўқиш, олий маълумот олиш, ҳоҳлаган касбининг эгаси бўлиш каби ҳуқуқларга эга. Бирок,

маълум бир енгилликлар киритиш йўли билан жамият кўксига чипқон бўлиб ётган неча минг йиллик муаммони ҳал қилиб бўлмайди. Бу чипқонни йўқотиш фақат табақавий бўлишни бутунлай йўқотилиши билангина ҳал қилинади. Бу муаммо Ҳиндистонда яшаб келаётган халқларнинг онги, савияси буткул ўзгариб, ўзларига ва бошқаларга табақаларга бўлиб қарашдан воз кечишга тайёр бўлган кундагина ўз ечимини топади. Ҳиндистоннинг илғор кишилари ҳинд халқининг онгига, шуурига, қалбига ана шу тушунчани етказиш йўлида тинимсиз кураш олиб борадилар. Ана шундай курашнинг энг тўғри ва самарали йўли илм орқали, адабиёт орқали одамларнинг онгига таъсир қилиш, уларни қайта тарбиялашдан иборатдир.

Ҳиндистонда жамиятнинг табақаларга ажратилиши азалдан мавжуд ходиса эканлигига қарамасдан, ўрганилиш жиҳатидан далитлар масаласи анчайин янги масала. Айтиб ўтганимиздек, паст табақа масаласи Ҳиндистонда азалдан мавжуд, лекин ижимоий-сиёсий тусга кириб, адабий жараёнларда кўпгина ёзувчи, шоир ва умуман, қалам соҳибларининг етакчи муаммосига айланиши XX аср 90-йилларидан бошланди. Бунга эса далитнинг барча қатори инсон эканлигини намоён эта бошлаши сабаб бўлди.

Мазкур муаммо ўзининг долзарблиги билан нафақат жамоат арбоблари, сиёсат вакиллари, ёзувчи ёки шоирларни балки шу даврнинг адабиётшунос олимлари, публицист ва журналистларини ҳам қизиқтира бошлайди. У жамиятнинг жуда кенг қамровли қисмини ўзига жалб этгани боис замонавий адабиётшунос олимлардан Девендр Чаубей шу мавзунини ҳар томонлама ўрганишга киришиб, махсус тадқиқот ишларини ҳам олиб боради ва 2009 йилда ўзининг “*Замонавий адабиётда далитлар масаласи*” номли каттагина тадқиқотини нашр эттиради. Унда муаллиф далитлар масаласини ҳар бир соҳада алоҳида-алоҳида ўрганиб 9 бобдан иборат талдқиқотни яратади. Бобларга анъаналар, тақлид, ҳикоя, шеър, танқид, журналис-



ларидан бири шаҳар ва қишлоқ далитлари масаласини аниқ очиб беришда намоён бўлади деб асардан парча келтиради:

*“Ту тхик кехта хе Рамийа! Хам билкул акеле хенг яхан, аор яхи хамари саб се бари самасйа. Ганв ме пури бирадари ме чахе кои китна бхи мажбур аор парешан раха хо, лекин бхукх се марте нахи декха кабхи киси ко. Ганв ме то бина манге хи мадад карте хенг лог эк дусре ки”*¹

Таржимаси:

“Тўғри айтасан Рамийа! Биз бу ерда жуда ёлғизмиз ва айнан шу бизнинг энг катта муаммойимиз. Қишлоқда биродарликда қийналиб ёки паришон бўлиб яшаш мумкин, лекин очликдан бирон кишининг ўлганини билмайман. Қишлоқда сўрамасингдан ёрдам қўлини чўзадилар”.

Ёзувчининг фикрича далитлар ери бўлмаганлиги учун қашшоқ бўлиб, бошқалар берган ишга қарам бўлиб яшайдилар, агар уларнинг ҳам ери бўлса, шу ер уларга озиқовқат беради, сув беради, уй жойлик бўладилар ва улар ҳам қарамликдан қутулиб, ўз мустақил ҳаёти билан яшайдилар, деб ҳисоблайди асар муаллифи.

“Бу қишлоқнинг одамлари шунчалар юпун, шунчалар қашшоқ... Мана бу бостирма остида яшайдиган аёлнинг юзи умрида ойна жамолини кўрмаган. Қулоқлари жез сирғани орзулаб ўтган. Қўлларининг дағаллиги, ёриқлари орасидан сизиб чиқиб қотиб қолган қон излари, балки унинг чиройидир... унинг бахти ҳам, бахтсизлиги ҳам далитлиги. У бундан бошқача ҳаёт борлигини билмайди, тасаввур ҳам қилолмайди. Фақат баъзан орзу қилади. Ювиниб, озода кўйлақ кийиб, юмшоқ ўриндикда бир мириқиб ухлашни орзу қилади. “Қандай бўларкин? Зўр бўлса керак!” У бошқа нарсаларни ҳам орзу қилса бўлишини билмайди. Чунки аслида, ҳаётда орзу қилиш мумкин бўлган яна қандай ажойиб нарсалар борлиғини билмайди.

Аммо, ҳамсоясига ёрдам қўлини чўзишни жуда яхши билади. Меҳр беришни билади. Меҳр кўрмаган бўлса ҳам...”

Кусум Вийогининг *“Жас тас бхаи сабер”* романи ҳақида гапириб. Девендр Чаубей роман муаллифининг далилар масаласининг илдизини саводсизликда кўришини айтади. Илм олиш анъанасидан маҳрум далитлар саводи бўлмагани учун турли судхўр, пулдор ва бойларнинг айёрликлари қурбонига айланиб қоладилар, деб ҳисоблайди Вийоги.

Далит масаласини шеърятда ўрганиб, Девендра Чаубей уч даврга мансуб шоирларнинг - ўрта асрлар шоири Редас, ундан кейинги даврда яшаган Ачхутананд ва Омпракаш Вальмики қаламига мансуб шеърларни қиёсий таҳлил қилиб, уларнинг учови ҳам далитлар ҳаётини акс эттирган шеърлардир деган хулосага келади. Шу билан бир қаторда Жайпракаш Кардам, Канвал Бхарати, Шйораж Синх ва бошқаларнинг далит масаласига бағишланган шеърларини таҳлилга тортади.

Журналистикада далитлар масаласи илк бор 1905 йилда Ачхутананд томонидан “Ачхут” ва “Ади хинду” номли далитлар журналига асос солниши билан бошланган. Лекин, охириги уч ўн йилликдан бери далитлар масаласи журналистикада анчагина фаоллашганини кузатиш мумкин. Бу борада Шейораж Синхнинг *“Ҳиндидаги далит журналистикаси-га Амбедкарнинг таъсири”* номли мақоласи далитлар масаласига танқидий муносабат билдирилган мақоладир. Бундан ташқари, Махатма Гандининг *Харижан*, Амбедкарнинг *Мукнайка*, *Бахшикрит Бхарат*, *Самта*, *Жанта* каби журналларида ҳам далитлар масаласи ҳақидаги мулоҳазалар чоп этиб турилган, деб ёзади Девендр Чаубей.

Далит масаласини адабий танқидчиликдаги илдизларини ўрганиб Девендр Чаубей Ашвагош даврига, яъни мелоднинг III асрига боради ва унинг олий табақа вакиллари томонидан *поклик* ва *буюклик* йўлида билдирган “халққа қарши” илк фикрларининг шаклланишида кўради.

Девендра Чаубей замонавий адабий танқидчиликда далитлар масаласига танқидий

¹ Девендр Чаубей. Адхуник сахитйа ме далит вимарш. – Дехли, 2009. – Б. 173.

ёндошилган бир неча тадқиқотларни тилга олади, улар Дхарамвирнинг “Кабирнинг танқидчиси” (1997), Теж Синхнинг “Далит масаласи бугун” (2000) Омпракаш Вальмикининг “Далит адабиётида гўзаллик санъати” (2001) ҳамда Канвал Бхаратининг “Далит масаласининг аҳамияти” (2002) номли китоблар. Мазкур китоблар қаторига 2009 йили Девендра Чаубейнинг “Замонавий адабиётда далитлар масаласи” номли тадқиқоти қўшилган.

Далитлар масаласи ҳақида ҳинд ижодкорлари асарларидан кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Бироқ, далитлар ҳаёти фақат ҳинд ижодкорларинигина қизиқтириб келган, десак ҳато қиламиз. Чунки ҳинд далитлари ҳаёти дунё жамиятини ҳеч қачон бефарқ қолдирмаган. Масалан, Кетрин Бунинг “В тени вечной красоты”¹ романида ҳозирги замон Ҳиндистонининг икки қирраси, икки дунёси очиб берилади. Чет эллик туристларни ўзининг ҳашамати, слобати, фусункорлиги билан, беш юлдузли жимжимадор меҳмонхоналари, мегаполислари, осмонўпар банклари билан, устига зарҳал ёпинчиқ ёпилган баҳайбат филлари, тилларанг сарига ўранган хурлиқо раққосалари билан ўзига ром этган бу сирли дунёнинг ўша осмонўпар бинолари ортида, ўша фусункорлик ва ҳашаматнинг соясида асрлар мобайнида хорланиб, топталиб келаётган иккинчи бир дунёнинг аянчли аҳволи ниҳоятда рангли бўёқларда кўрсатиб берилади. Дунё мўжизаларининг энг таҳсинга сазовори бўлган Бомбей ажойиботларининг этагида ана шу ажойиботлардан лаззатланиб яшаш бахтидан бебаҳра далитларнинг қоғоз ва картонлардан, хас-хашакдан ясалган омонат ва исқирт уйларда яшовчи асар қаҳрамонлари — гўзаллиги, савияси, ички дунёсининг бадавлатлиги билан ўз қавми орасида ўз ўрнини, ўзига лойиқ бир инсонни тополмай яшаётган Манжи; ногиронлиги, бахтсизлиги аламини ҳамқишлоқларидан олишга жазм этиб, ўзи қазиган чоҳга ўзи тушиб, аянчли ўлим топган Фатма;

далитлиги сабаб бошқа табақа вакиллари қаҳрига учраб, ўзи тенги болаларнинг калтаги остида бу дунёни тарк этган Рави; дунё тенгсизликлари билан келишолмаган, хас-хашак уйига ҳам сиғмаган, бир рўшнолик топмаган, изсиз кетган дўстлари қайғусида унсиз- унсиз аза очган Абдул образлари миллионлаб далитларнинг прототипидир.

Ўзбек ижодкори Нигора Усмонова ўзининг “Рахшона”² номли тарихий романида эрамиздан аввалги IV–III асрларда Ҳиндистон мамлакати, ҳинд халқи ҳаёти, динлари, урф-одатлари ҳақида ҳинд қабиалари билан олиб борилган жанглار силсиласида турли табақага мансуб кишилар образлари орқали маълумот бераркан, ҳинд далитлари ҳаётини ҳам анча кенг ёритиб берган.

“...Не кўз билан кўрсинки, Таксил қўл остидаги сарбозлардан бир нечаси бир қизни ўраб олиб, қўлларидаги қамчи билан чунонам савалар эдиларки, бечоранинг қимирлашига ҳам ҳоли келмай, юзтубан йиқилганча чўзилиб қолган эди. Қизнинг елкаси узра келиб тушаётган қамчи зарбидан қўйлаги увода бўлган, мўматалоқ баданидан силқиллаб қон оқарди.

— Бас! — қичқирди Рахшона. — Қиз бечоранинг гуноҳи нима?

— Бу зоти паст чандал сизга арзу дод қилишига журъат этмишдир, маликам...”

Буни қарангки, ўз қавмдошларига бир оз енгилликлар сўраб келган қизнинг чандалларга мансублигининг ўзиёқ уни ҳар қандай ҳақхўққлардан мосуво этади.

Яна шу асар давомида:

— Наҳотки, бу ҳақсизликка қариши чиқади-ган бирор мард бўлмаса бу юртда? — сўради Рахшона бир ҳолатда.

— Шундай кишилар бор ва улар ҳамиша тенгсизликка қариши чиқади. Инсонларни турли табақаларга бўлиш адолатсизлик эканини тушунади. Бироқ бундайлар озчиликни ташиқил қилади...”

Келиб чиқиши ҳинд миллатига мансуб бўлган Британиялик журналист Рамита Наваи ўзи мансуб бўлган халқнинг табақавий бўлиниши

¹ Кетрин Бу. В тени вечной красоты. Жизнь, смерть и любовь в трущобах Мумбая. — Эксмо, 2017.

² Усмонова Н. Рахшона. — Т.: Абу матбуот-консалт, 2014.

окибатлари, айниқса, далитлар ҳаётининг очилмаган қирраларининг кўрқинчли ҳақиқати ҳақида исёнкорона фильм яратмоқчи бўлди. Бу фильмни олиш жараёнида далитлар билан бирга уларнинг ҳаёти ичра яшаб кўришга аҳд қилди. У далит болалар билан бирга ертўларда бўлиб, уларнинг каламушларни тутиб, қовириб еганларини, далит қизчаларнинг ўйинчоқ ўрнига ўлган итни тортқилаб ўйнаганларини, далит аёлнинг қотиб кетган чўчка терисидан ўзига безак ясаб олганини, яна далит аёлларининг ҳеч қандай қўлқопсиз, совунсиз, кир кетказувчи ювиш воситаларисиз ҳожатхоналарни ювганларини ўз кўзлари билан кўрди. Унинг кўз олдида сувсизликдан чанқаб хушини ёқотган далит болага кўчада оқиб ётган сувни раво кўрмадилар. Тоза кўчаларда юришга ҳаққи бўлмаган далитчалар ўнқир-чўнқир, ифлос, аҳлатхоналардан юришга мажбур эканликларининг шоҳиди бўлди. Дўконга киришга ҳақсиз далит эшик тагига пул қўйиб ўзи анча наридан туриб ўзига нима кераклигини айтар экан. Дўкондор эса бечора далитнинг нарсасини олиб чиқиб отиб юборар экан. Далит бечора сочилиб кетган нарсасини ердан териб оларкан, шунисига ҳам шукур қилади. Далитни кўлига нарса тутқазишдан жирканган дўкондор унинг ерга ташлаб етган пулини олишдан жирканмайди-ку... Камера қаршисида туриб, қавмдошларининг бундай ҳаёт тарзига изоҳ бераётган журналист киз кўзларидан оқаётган ёшларини тия олмас эди.

“Нима учун бу одамлар шундай яшайдилар?” – камерага қараб савол берди Рамита Навайи ҳужжатли фильмнинг сўнгги дақиқаларида. Бу саволни у нафақат ҳинд жамиятига, ҳинд сиёсатчиларига, ёки ҳинд халқининг ўзига, балки бутун инсониятга қарата берган эди.

Бир вақтлар бобомиз Бобур Мирзо : “Ўз ерни қўйиб ҳинд сори юзландим, ё раб не юз қаролиғ бўлди”, деб ёзганида, балки Ҳиндистон ва ҳинд халқининг ана шу табақавий тенгсизликларини кўриб, бир ечим ахтариб, қуюнганидан ушбу сатрлар кўксидан отилиб чиққан бўлса, ажабмас.

Ҳинд халқи ҳаёти, табақавийлик, айниқса далитлар ҳаёти, инсон қисмати, қадр-қиймати

дунё одамларининг ҳеч бирини бефарқ қолдирмайди. Шунинг учун ҳам бу масала долзарб. Биз шундай даврга етиб келдикки, фақат ўз уйимиз тинчлигини ўйлаб ўтиролмаймиз. Чунки, инсониятнинг тинчлиги, ер куррамизнинг – она сайёрамизнинг умрбоқийлиги ўз мамлакатимизга, ёки ўз қитъамизгагина боғлиқ эмас. Умуминсоният тинчлиги умуминсоний қадриятларнинг издан чикмаслигини тақазо этади. Бир мамлакат ичидаги ёт унсур бошқа мамлакат, ё қитъани заҳарламаслигига ҳеч ким кафолат бермайди. Бугун қайсидир давлатнинг, қайсидир мамлакатнинг ютуғи, ёки муаммоси, камчилиги деган сўз бизга бегона. Биз учун бир бутун инсоният ютуғи, инсоният муаммоси, инсоният бахт-саодати бор. Мақсадимиз ҳам олиб борадиган ишимизга монанд. Умуминсоний муаммоларни тезроқ ва бутунича бартараф қилиш. Инсонларга бахт улашиш. Инсоният келажаги йўлида яхши амалларни бажариш.

Айнан шу нуқтаи назардан биз Ҳиндистон жамиятида мавжуд бўлган, асрлар мобайнида яшаб келаётган табақавийлик, жумладан далитлар масаласини ўта долзарб муаммо эканлигини англаган ҳолда, бу муаммонинг келиб чиқиши тарихи, туб негизлари, ривожланиши, унинг шу қадар узоқ вақт оралиғида ўз моҳиятини йўқотмай келаётганига сабаб бўлган омиллар устида тўхталиш, талқин қилиш, бартараф этиш йўллари ахтариш, ҳинд далитларининг ҳаёт тарзи паст-баландликларини баҳолаш, уни бошқа табақалар билан солиштириш ва ниҳоят инсон ҳуқуқларини поймол қилувчи ҳар қандай табақаланишга қарши чора-тадбирлар кўриш, шу йўл билан инсон қадриятларини, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишни ўз олдимизга мақсад қилиб олганмиз.

